

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

18-сон
(882)
2019 йил
6 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

347. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 майдаги ўРҚ–534-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

348. «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ–5712-сон Фармони

349. «Республика иктисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПК–4300-сон қарори

350. «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон қарори
351. «Муборак рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4303-сон қарори
352. «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон қарори
353. «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори

Учинчи бўлим

354. «Ваколатли иқтисодий оператор институтини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги 363-сон қарори

Бешинчи бўлим

355. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2019 йил 12 апрелдаги 61-сон «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2452-2*)
356. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2019 йил 12 апрелдаги 62-сон «Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳлантириш талонлари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2469-2*)
357. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2019 йил 12 апрелдаги 63-сон «Тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарни рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат рақами белгиларини ва техник паспортларни, шунинг-

дек қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2476-1*)

358. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-9*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 27 апрелдан 3 майгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

347 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 6 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 3 майда эълон қилинган.

1) қуйидаги мазмундаги **244⁴-модда** билан тўлдирилсин:

«244⁴-модда. Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш

Учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, —

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

г) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс, агар у учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ўз ихтиёри билан топширса, жавобгарликдан озод қилинади»;

2) қуйидаги мазмундаги **248¹-модда** билан тўлдирилсин:

«248¹-модда. Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш

Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш, улардан фойдаланиш ёки уларни бошқа шахсларга бериш тартибини бузиш, шунингдек улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, —

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

г) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади»;

3) **260¹-модданинг биринчи қисми диспозициясидаги** «шу жумладан учувчисиз учадиган аппаратлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» деган сўзлар «(бундан самовий ҳудудда учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳоллари мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **345-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят кодексининг 104-моддасида, 105-моддаси иккинчи қисмида, 106, 107-моддаларида, 110-моддаси иккинчи қисмида, 113-моддаси учинчи — бешинчи қисмларида, 114-моддаси учинчи қисмида, 117-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 118, 119-моддаларида, 121-моддаси иккинчи қисмида, 124-моддасида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128-моддаси иккинчи қисмида, 129-модда-

си иккинчи қисмида, 131-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 133-моддаси иккинчи қисмида, 134, 135, 137-моддаларида, 138-моддаси иккинчи қисмида, 164 — 166-моддаларида, 168-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 169-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 171-моддаси учинчи қисмида, 173-моддаси учинчи қисмида, 186¹-моддасида, 186²-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 193 — 204-моддаларида, 213-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 214-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 216, 217, 222-моддаларида, 225-моддаси учинчи қисмида, 226-моддаси иккинчи қисмида, 228-моддаси иккинчи қисмида, 243 — 244³-моддаларида, 244⁴-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 245, 247, 248-моддаларида, 248¹-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 249, 250-моддаларида, 250¹-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 251 — 255¹-моддаларида, 255²-моддаси иккинчи — тўртинчи қисмларида, 256 — 258-моддаларида, 259-моддаси иккинчи қисмида, 260-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 260¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 262-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 263-моддасида, 263¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 264-моддасида, 266-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 267-моддасида, 268-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 269-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 270-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 271, 273-моддаларида, 274-моддаси иккинчи қисмида, 275-моддасида, 276-моддаси иккинчи қисмида, 277-моддаси учинчи қисмида, 278-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида, 278⁷-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жинойтларга доир ишлар бўйича, шунингдек вояга етмаганлар содир этган жинойтларга доир барча ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади»;

2) **381²-модда:**

биринчи қисмининг:

1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) ички ишлар органларининг — Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддаси биринчи қисмида, 111, 112-моддаларида, 113-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 114-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 115-моддасида, 117-моддаси биринчи қисмида, 120-моддасида, 121-моддаси биринчи қисмида, 125, 126-моддаларида, 127-моддаси биринчи қисмида, 127¹-моддаси биринчи қисмида, 128-моддаси биринчи қисмида, 129-моддаси биринчи қисмида, 131-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 132-моддасида, 133-моддаси биринчи қисмида, 136-моддасида, 138-моддаси биринчи қисмида, 139, 140-моддаларида, 168-моддаси биринчи қисмида, 169-моддаси биринчи қисмида, 170-моддасида, 171-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 172-моддасида, 173-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 185 — 185¹-моддаларида, 186²-моддаси биринчи қисмида, 213-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 214-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 224-моддасида, 225-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 226-моддаси биринчи қисмида, 227-моддасида, 228-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида, 228¹ — 229³-моддаларида, 244⁴-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш би-

лан боғлиқ жинойтлардан ташқари), 248¹-моддаси биринчи қисмида, 250¹-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жинойтлардан ташқари), 255²-моддаси биринчи қисмида, 259-моддаси биринчи қисмида, 260-моддаси биринчи қисмида, 260¹-моддаси биринчи қисмида, 261-моддасида, 262-моддаси биринчи қисмида, 263¹-моддаси биринчи қисмида, 266-моддаси биринчи қисмида, 268-моддаси биринчи қисмида, 269-моддаси биринчи қисмида, 270-моддаси биринчи қисмида, 274-моддаси биринчи қисмида, 276-моддаси биринчи қисмида, 277-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 278-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида, 278¹ — 278⁶-моддаларида, 278⁷-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жинойтларга доир ишлар бўйича»;

4-банди «244³-моддасида» деган сўзлардан кейин «244⁴-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар;

2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **99-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда талабларни бузиш, шунингдек қурилиш соҳасида назорат қилиш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик (бундан яқка тартибдаги уй-жой қурилиш объектлари мустасно), —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бинокорлик материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришда техник регламентлар талабларини бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини, аҳоли пунктларининг ва аҳоли пунктлариаро ҳудуднинг бош режаларини, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини, маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларни реконструкция қилиш режаларини бузиш, даҳаларни, мавзеларни ва шаҳарларнинг sanoat зоналарини, қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг архитектура ечимларини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — қирқ бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Объектларни давлат экспертизасининг лойиҳа-смета ҳужжатларига, шу жумладан иш ҳужжатларига доир ижобий хулосасисиз, шунингдек қурилиш соҳасида назорат қилиш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасисиз қуриш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан қирқ бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуришга, реконструкция қилишга ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда шундай ишларни амалга ошириш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ўз ҳудудига туташ ва туташ бўлмаган ер майдонларида қурилиш ишларини амалга ошириш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг ўнинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 107-модда:

биринчи қисмининг санкциясидаги «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача» деган сўзлар «бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача» деган сўзлар «бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 108-модда:

санкциясидаги «иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

хуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **116²-модданинг диспозициясидаги** «шу жумладан учувчисиз учадиган аппаратлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» деган сўзлар «(бундан самовий ҳудудда учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ҳоллари мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

5) **135-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги, шунингдек транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси (ушбу Кодекс 135¹-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно), қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия карточкаси ёки йўл варақаси, юридик шахсларнинг транспорт воситалари ҳайдовчиларининг, шу жумладан йўловчи ёки юк ташиш фаолиятини амалга оширувчи ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани алмаштириш ёки йўқолган гувоҳнома ўрнига бошқасини бериш ҳолларини истисно қилган ҳолда, гувоҳнома олинган пайтдан эътиборан икки йиллик давр бундан мустасно) ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, худди шунингдек ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариш»;

6) **177-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«177-модда. Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш

Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга (хизматларга) нисбатан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ёхуд ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма баравари-

гача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

7) қуйидаги мазмундаги **177¹** ва **177²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«177¹-модда. Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш

Асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатиш, —

асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини, шунингдек уларни такрорлаш ҳамда тарқатиш учун фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини, шунингдек уларни такрорлаш ҳамда тарқатиш учун фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

177²-модда. Ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунаси-га бўлган ҳуқуқларни бузиш

Тегишли патентланган ихтирони, фойдали моделни, саноат намунасини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни руҳсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд бевосита ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул билан тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

8) **245-модданинг биринчи қисми** «177» рақамидан кейин «177¹, 177²» рақамлари билан тўлдирилсин;

9) **268²-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«268²-модда. Қурилиш соҳасида назорат қилиш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциялари

Қурилиш соҳасида назорат қилиш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 99 ва 178-моддаларида (истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади»;

10) **271-модданинг 11-бандидаги** «176¹ — 176⁴, 177-моддаларида» деган сўзлар «176¹ — 176⁴-моддаларида, 177-моддасининг биринчи қисмида, 177¹-моддасининг биринчи қисмида, 177²-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **291-модда биринчи қисмининг «а» бандидаги** «131, 135, 135¹-моддаларида» деган сўзлар «131, 135 (ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати ёнида мавжуд бўлмаганлиги ҳоллари бундан мустасно), 135¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1, 2-моддалари, 3-моддасининг 4-банди мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 3-моддасининг 1, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11-бандлари мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 май,
ЎРҚ-534-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****348 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини
2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқ-
лаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) Ўқувчиларнинг таълим соҳасидаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастур рейтингини бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш;

халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига давлат таълим тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш;

ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратил-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 апрелда эълон қилинган.

ган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

халқ таълими тизимида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнати-га ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш;

б) Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харита»си (кейинги ўринларда — «Йўл харита»си) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган «Йўл харита»си орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига:

ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йил бўйича тасдиқланган «Йўл харита»сини пухта ўрганиш асосида келгуси йил учун «Йўл харита»си лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

«Йўл харита»ларининг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг юритиш ва унинг натижаларини ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб бориш вазифалари юклансин.

3. Қўйидагилар мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

республика бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари;

имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимовга — Концепция ва «Йўл харита»сини ижро этиш юзасидан масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини самарали ташкил қилиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш, «Йўл харита»лари бажарилиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижасида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Концепция ва «Йўл харита»сида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматовга — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг ёриштириш бўйича чиқишлар ҳамда мавзуга оид кўрсатувлар ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 апрель,
ПФ-5712-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги
ПФ-5712-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини
2030 йилгача ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Концепция халқ таълими тизимининг узоқ муддатли ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб беради, жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтингини бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакатига қаторига киришига эришиш;

узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш;

халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш; давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига давлат таълим тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш;

ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

халқ таълими тизимида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш.

2-боб. Халқ таълими тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

3. Ҳозирги вақтда халқ таълими тизими умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни ўз ичига олади.

4. Халқ таълими тизимида турли эҳтиёжга эга бўлган болаларга қаратилган муассасалар — ўқитиш даражаси таълим стандартларидан юқори бўлган муассасалар (ихтисослаштирилган муассасалар) ва имконияти чекланган болалар учун таълим муассасалари фаолият юритади.

2019 йил 1 апрель ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида 9 691 та умумтаълим мактаблари (жумладан, айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган 350 та давлат ихтисослаштирилган муассасалари) мавжуд.

Умумтаълим мактабларидаги умумий ўқувчилар сони 5,8 миллионни ташкил қилади. Шунингдек, 86 та нодавлат таълим муассасасида 13,8 минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олади.

Болаларнинг ижодий қобилияти ва иқтидорини ривожлантириш имкони яратилган мактабдан ташқари таълим муассасалари («Баркамол авлод» марказлари) фаолияти йўлга қўйилган.

«Баркамол авлод» марказларида 5 540 та тўғарак ташкил этилган ва уларга 143 минг нафарга яқин болалар қамраб олинган.

Республикамизда умумий ўрта таълим тизимида бошланғич касб-ҳунар таълими жорий этилган бўлиб, 51 турдаги ишчи касблар бўйича касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларида 1 748 та ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилган.

Халқ таълими тизимида жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун 86 та ихтисослаштирилган мактаб ва 21 та мактаб-интернат мавжуд бўлиб, уларда 20 610 нафар бола таълим олмоқда.

Шунингдек, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ва

узоқ муддатли даволанишга муҳтож 13 437 нафар болалар уйда таълим олмоқда.

Алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болаларнинг таълими 2 та ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасида амалга оширилмоқда.

19 та Меҳрибонлик уйи ва 3 та болалар шаҳарчасида 2 577 нафар етим ҳамда ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар тарбияланмоқда.

5. Халқ таълими тизимида оид қонунчиликда, институционал ривожланишда, мактаб ёшидаги болаларга замон талабларига мос равишда таълим-тарбия беришда айрим бўшлиқ ва камчиликлар мавжуд, шу жумладан:

а) умумий ўрта таълимни бошқариш соҳасида:

умумтаълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда таълим сифатини юқори босқичга кўтариш ҳамда мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш талаб этилмоқда;

умумтаълим муассасаларига юклатилган вазифаларнинг декларатив характерга эгаллиги, уларни амалга ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг етишмаслиги амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари умумтаълим муассасалари фаолиятини чуқур таҳлил қилмасдан, фақатгина статистик ва бошқа маълумотларни тўплаш билан чегараланаётганлиги жойлардаги ҳаққоний ҳолатни аниқлашга тўсқинлик қилмоқда;

давлат таълим хизматларини кўрсатиш, умумтаълим муассасаларини бошқариш, ишларни режалаштириш ва ташкил этиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси пастлиги қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш, ушбу жараённи тезкор кузатиб бориш имконини бермаяпти, шунингдек давлат бошқарувини ортиқча бюрократлаштириш ва унинг сарф-харажатлари ошишига олиб келмоқда;

халқ таълими тизимида ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг таълим соҳасидаги муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чекламоқда;

халқ таълими тизимида бошқарув вертикалини амалга ошириш механизмнинг етарлича ривожланмаганлиги туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ролининг сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлмоқда;

умумтаълим муассасаларига болаларни қабул қилиш, шунингдек ўқув жараёнида турли шаклдаги коррупция элементларига барҳам бериш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш талаб этилмоқда;

б) кадрларни тайёрлаш соҳасида:

математика, физика, кимё, информатика, инглиз тили ва бошқа чет тиллари каби фанлар бўйича педагог кадрлар етишмовчилиги кузатилмоқда;

олий таълим муассасаларига қабул қилиш жараёнига узоқ ҳудудлардаги талабалар учун ўқишга киришда имтиёзларнинг йўқлиги сабабли тоғ ва чўл ҳудудларидаги мактабларда ўқитувчиларга эҳтиёж юқори даражада қолмоқда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг 14 фоизини ўрта махсус маълумотли мутахассислар ташкил этмоқда;

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари ўқув дастурларига бўлажак педагог учун мазмуний юклама бермайдиган айрим фанлар киритилган;

педагогика ва методика фанларига оид дарсликларнинг мазмунан эскириб қолганлиги, шунингдек педагогик амалиётнинг юзаки ўтилиши бўлажак педагогнинг касбий сифатларига салбий таъсир кўрсатмоқда;

олий таълим муассасалари битирувчилари умумий сонининг қарийб 25 фоизини «Педагогика» мутахассислиги битирувчилари ташкил этиши ва бу мутахассислик энг оммавийлардан бири бўлишига қарамасдан, унинг жозибадорлиги пастлиги сабабли педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўз касби бўйича меҳнат қилиш мотивацияси паст даражада қолмоқда;

педагог кадрларни ишга қабул қилишда уларнинг малака даражасини аниқлаш учун аниқ талабларни ишлаб чиқиш лозим;

директор ва ўқитувчилар билиши ва бажариши керак бўлган аниқ белгиланган миллий стандартларнинг мавжуд эмаслиги, уларнинг салоҳияти ўсишига ҳамда амалдаги муассасалар раҳбарларини танлаш ва тайинлаш тартибининг самарасизлигига олиб келмоқда;

мавжуд малака ошириш тизими ўқитувчилар эҳтиёжларига мос эмаслиги, малака ошириш курслари мазмуни ва қўлланиладиган усуллар эскирганлиги, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини қўллаш орқали ўқитувчиларни масофадан қайта тайёрлаш механизми йўлга қўйилмаганлиги ўқитувчиларнинг билим ва малакасини тизимли ошириб бориш имконини бермаяпти;

қўп йиллик меҳнат стажига эга юқори малакали ва тажрибали педагоглар инглиз тили ёки компьютер саводхонлиги бўйича етарли билимга эга эмаслиги сабабли аттестациядан ўта олмаслик ҳолатлари кузатилмоқда;

ўқувчилар сони қувватига нисбатан кам бўлган мактабларда кадрлар таркиби салоҳияти пастлиги туфайли талаб даражасидаги таълим сифати таъминланмаяпти;

в) ўқув жараёнини ташкил этиш соҳасида:

ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш талаб этилмоқда;

айрим мактабларда ўқувчилар сони синфда ўқув жараёни сифатининг кескин пасайишига олиб келадиган даражада ошиб кетган;

педагогларнинг методик таъминотини яхшилаш лозим;

дарсликларни яратиш тизимида хилма-хилликнинг йўқлиги уларни яратиш ва нашр қилишни монополлаштиришга омил бўлиб қолмоқда ҳамда уларнинг мазмуни, методикаси ва нашр сифатига салбий таъсир этмоқда;

давлат таълим стандартлари компетенциявий ёндашувга асосланганлигига қарамасдан, ўқитиш ва баҳолаш методлари, шунингдек дарсликлар ва бошқа ўқув материаллари асосан ахборотни ёдлаш ва баён қилишга қара-

тилган бўлиб, танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари ва бошқа малакаларни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда;

фойдаланилаётган дарсликлар сифатини ошириш, хорижий ўқув қўлланмаларини қўшимча ёки муқобил ўқув материаллари сифатида қўллаш амалиётини йўлга қўйиш талаб этилмоқда;

хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқитиш жараёни методик ёрдамга муҳтож;

халқ таълими тизимида инклюзив таълим дастурлари етарли даражада ривожланмаган, мамлакатимиз олий таълим муассасалари дастурларида ўқитувчиларнинг инклюзив таълим бўйича махсус тайёргарлигини таъминлаш лозим;

мактабларда низоларни ҳал қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали ички тизим, шунингдек ўқувчиларни хавф гуруҳидан чиқариш учун мактаб ўқитувчилари ва психологлари малакасини ошириш юзасидан махсус дастурлар ишлаб чиқиш талаб этилмоқда;

г) мактабларнинг моддий-техник таъминоти соҳасида:

мактабларнинг спорт заллари ва майдончалари керакли инвентарлар билан жиҳозланмаганлиги, синф хоналарида ўқув мебель жиҳозлари, лаборатория ускуналари, компьютер техникасининг етишмаслиги, уларнинг ўз вақтида янгиланмаслиги ота-оналарнинг таълим тизимига нисбатан эътирозларига сабаб бўлмоқда;

мактабларнинг 28 фоизида қўшимча жиҳозлашга эҳтиёж мавжуд, ишлатилаётган жиҳозларнинг 50 фоизи маънан ва жисмонан эскирганлиги учун алмаштирилиши керак;

3 000 дан ортиқ умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланиши учун ошхоналар ва буфетлар ташкил этиш лозим;

электр, кўмир, совуқ ва иссиқ сув, газ таъминоти ва канализация билан боғлиқ инфратузилма муаммоларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан етарли эътибор қаратилмаяпти, айниқса узоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқ жойлардаги 1 726 умумтаълим мактаби қўлбола (буржуй) печлар ёрдамида иситилмоқда;

умумтаълим муассасаларининг биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича замонавий стандартларни жорий этиш керак;

2 907 та умумтаълим мактаби қурилиш-таъмирлаш ишларига муҳтож;

11 йиллик таълим тизимига ўтилиши муносабати билан қўшимча ўқувчи ўринларига эҳтиёж мавжуд.

д) халқ таълими тизимини молиялаштириш соҳасида:

халқ таълими тизимини молиялаштиришда маблағларни самарали ва шаффоф тизим асосида тақсимлаш ва фойдаланиш талаб этилмоқда;

халқ таълими муассасаларига давлат бюджетидан ажратилган харажатларнинг асосий қисми иш ҳақига сарфланиб, ўқув жиҳозлари ва материалларини янгилашга, мактаб биноларини таъмирлашга етарли маблағ йўналтирилмаяпти.

3-боб. Халқ таълими тизимининг асосий мақсад ва ривожланиш йўналишлари

6. Халқ таълими тизимининг ривожланиши мазкур Концепция илова-сида* белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишга асосланади.

7. Қуйидагилар халқ таълими тизимининг стратегик мақсадлари ҳисобланади:

умумтаълим тизимида иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, илғор халқаро тажриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ сифатли таълим олиш имкониятларини яратиш;

инсон капитални меҳнат бозорида ва умуман мамлакатда ўқувчининг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи асосий омил сифатида ривожлантириш.

8. Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, халқ таълими тизимини ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишларга асосан амалга оширилади:

а) таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек малакали профессионал педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш:

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларини таълимнинг кредит тизимида босқичма-босқич ўтказиш, педагогика, дидактика, амалий педагогик психология, методика каби фанларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўқув материалларини ва педагогик баҳолашни ишлаб чиқиш орқали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

таълим беришнинг замонавий назарияларини ўзлаштиришни, педагогик психологияни тушуниш, таълим беришга компетентлик ҳамда шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосларини эгаллашни кўзда тутган ҳолда педагогларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш;

бўлажак педагоглар учун педагогик фаолиятга мойиллик ва ижодкорлик қобилиятларини аниқлаш ва баҳолаш имкониятини берувчи методларни ишлаб чиқиш;

умумтаълим муассасаларида ўқитувчиларнинг сифат таркибини, хусусан магистрлик даражасига эга бўлган педагоглар сонини босқичма-босқич ошириш;

халқ таълими тизими учун бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини, шу жумладан таълим соҳасига ёш кадрлар кириб келишини рағбатлантиришни кўллаб-қувватлаш;

аввало чекка ҳудудларда жойлашган, ўқувчилар сони кам бўлган умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига қўшимча янги ихтисосликлар ва малакаларни ўзлаштиришга имкон берадиган таълим инфратузилмасини шакллантириш;

узлуксиз таълим сифатини мустақил баҳолаш тизимини шакллантиришга қўмаклашиш ва қўшимча педагогик таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

халқ таълими соҳасида раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича стандартлаштирилган дастур ишлаб чиқиш ҳамда «Халқ таълими соҳасида бошқарув» йўналиши бўйича малака ошириш ва уни тугатиб, имтиҳонларни муваффақиятли топширган барча тингловчиларга таълим муассасалари раҳбарлари лавозимларини эгаллаш имконини берувчи уч йил муддатли махсус сертификат бериш тизимини яратиш;

умумтаълим муассасалари раҳбар ходимлари лавозимига номзодлар ўртасида танлов асосида саралаш амалиётини жорий қилиш ва уларни рабатлантиришни кучайтириш;

педагогларнинг масофадан малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш ва қамровини кенгайтириш;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш мазмуни ва методларини янгилаш, баҳолаш тизимини қайта кўриб чиқиш;

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг сиртқи таълим йўналишлари учун қабул квоталарини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тавсияси асосида педагог ходимларга эҳтиёжи катта бўлган чекка тоғли ва чўл ҳудудлардаги абитуриентлар учун имтиёзли қабул квоталарини белгилаш механизминини жорий этиш;

халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган PISA (The Programme for International Student Assessment) умумтаълим мактабларида таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш;

педагог ходимларнинг малака талабларини, шунингдек янгиланган таълим стандартларини жорий этиш учун эгалланадиган кўникмаларни аниқлашнинг янги усулларини жорий этиш;

ёш ўқитувчиларни, уларнинг хизмат мавқеи ўсишини ҳисобга олган ҳолда, касбий қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликда ишлаш механизминини такомиллаштириш;

б) иктидорли болалар ва истеъдодли ёшлар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга ошириш тизимини яратиш:

фан олимпиадаларини ўтказиш механизмларини қайта кўриб чиқиш ва энг қобилиятли, билимли ўқувчиларни аниқлашда шаффофликни таъминлаш, баҳолаш мезонларини мос равишда тегишли халқаро олимпиада ва танловлар мезонларига мослаштириш;

олий таълим муассасаларининг тадқиқот ва инновацион фаолияти кўламини кенгайтириш, улар негизида бизнес-инкубатор ва технопаркларни ташкил этган ҳолда инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳамда уларнинг таълим фаолиятини касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларига татбиқ этиш;

тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш дастурига алоҳида эътибор қаратган ҳолда умумтаълим муассасалари негизида касбий малака ўқув марказлари (ресурс марказлари)ни ташкил қилиш;

олий таълим муассасалари ва улар қошидаги академик лицейлар билан ҳамкорликда хорижий тиллар, математика, физика, кимё, биология каби муҳим ва талаб юқори бўлган фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослашган умумтаълим муассасалари тармоғини кенгайтириш;

2019 — 2021 йиллар давомида республиканинг ҳар бир ҳудудида босқичма-босқич STEAM (фан, технология, инжиниринг, санъат ва математика) йўналишларига ихтисослаштирилган «Президент мактабларини» ташкил этиш;

олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятга эга педагогик жамоасини умумтаълим мактабларида иқтидорли болалар билан ишлашга ва таълим сифатини баҳолашга жалб қилиш;

нодавлат умумтаълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, зарур ҳолларда иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларга манфаатдор жамоат ташкилотлари, тижорат ташкилотларининг ёрдами ва ҳомийлиги орқали яқка тартибда грантлар ажратиш йўли билан қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларнинг келгусида таълим олишларига имконият яратиш;

юқори натижаларга эришган юқори синф (10-11-синфлар) ўқувчиларига ривожланган хорижий давлатларда ҳамкорлик дастурлари орқали мақсадли таълим олиш тартибини жорий этиш;

в) ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш:

кичик ёшдан ўқувчиларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш ҳамда касб танлаш, касбий ўсишини мустақил режалаштириш, замонавий касбларни эгаллаш қобилиятини ривожлантириш;

замонавий дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда мультимедиа иловаларини яратиш;

касб-ҳунарга ўқитишни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришнинг кўплаб жараёнларини автоматлаштириш тенденцияларининг ривожланаётганлигини инобатга олган ҳолда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида фойдаланиладиган касб-ҳунар таълимининг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш;

давлат таълим стандартларида кўзда тутилган компетенциялар ва ўқув жараёнини интерактив бошқариш маҳорати тамойилларига асосланган педагогик фаолиятни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

умумтаълим мактаб кутубхоналарини ўқувчилар мустақил тайёрландиган замонавий (smart) марказларга айлантириш мақсадида уларнинг фойдали майдонларини кенгайтириш ва моддий-техник жиҳозлаш, ягона ахборот тизимига бирлаштириш, шунингдек Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон ресурсларига уланиш орқали уларнинг ролини ошириш;

таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида янги, шу жумладан муқобил ёндашувларни ўрганишга ва илмий асослашга йўналтирилган амалий характердаги илмий изланишларни ривожлантириш;

ўқув муддатларини ўзгартирмаган ҳолда ўқувчилар томонидан ўзлаш-

тириш компетентлигини кенгайтиришни таъминловчи замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш;

замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига мувофиқликни таъминлаш мақсадида умумтаълим давлат таълим стандартлари тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш;

бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмаган фанлар асосида тузилган ўқув дастуридан босқичма-босқич воз кечиш ва ўқув фанлари сонини оптималлаштириш;

ўқувчиларнинг билим олишга бўлган мотивациясини ошириш мақсадида ҳамда қизиқишлари ва талабларини эътиборга олган ҳолда юқори синфларда мажбурий ва танлов асосидаги фанларни жорий қилиш;

10-11-синф ўқувчилари учун ихтисослаштирилган, шу жумладан ижтимоийлашувга, иқтидор ва компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ўқувчиларнинг касбий ўқитиш имкониятларини кенгайтирган ҳолда таълим беришни ривожлантириш;

касбий таълим жараёнини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамда халқаро бозорда талаб катта бўлган мутахассисликлар бўйича йирик тижорат ташкилотларини жалб қилиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида келажак касблар учун зарур бўладиган малакали битирувчиларни тайёрлашда илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда умумтаълим муассасаларида информатика фанини ўқитиш дастурини қайта кўриб чиқишга йўналтирилган «IT-Nation» дастурини жорий этиш;

чет тиллари, информатика, математика, физика, кимё, биология фанларини чуқур ўрганишга эътибор қаратган ҳолда, ихтисослаштирилган синф ва мактабларни яратиш амалиётини кенгайтириш усули билан мактабларда таълим сифатини тубдан яхшилаш;

таълим муассасаларининг ахборот очиклиги асосида касб-ҳунар таълими сифатини баҳолаш ва доимий жамоатчилик мониторинги механизминини жорий қилиш, ҳудудларда сертификатлаштириш ва касб-малака тоифаларини берувчи интеграллаштирилган марказларни ташкил этиш;

умумтаълим муассасаларини бошқариш ва таълим сифатини назорат қилишда жамоатчилик ва йирик тижорат ташкилотларининг иштирокини таъминлаш;

г) ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни таъминлаш, боланинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланиши:

умумтаълим мактаб ўқувчилари учун соғлом овқатланиш тамойилларини оммалаштириш;

умумтаълим муассасаларида спорт тўғарақларини ташкил қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тарбиясида муаммолари бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари билан тушунтириш ишларини олиб бориш;

ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда умумтаълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида зўравонлик (булинг)нинг олдини олишга қаратилган дастурларни жорий этиш;

д) имконияти чекланган болаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш:

имконияти чекланган болалар таълим оладиган таълим муассасалари биноларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

имконияти чекланган болалар ўқитиладиган таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитиш учун бўладиган ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

имконияти чекланган болаларни ўқитиш учун инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, умумтаълим муассасаларини махсус мосламалар (кўтариш қурилмаси, пандус, тутқич, бошқалар), шунингдек тегишли кадрлар (педагог-дефектолог, болаларни рухий-педагогик кузатиш бўйича мутахассислар) билан таъминлаш;

жамоатчилик ўртасида имконияти чекланган болаларнинг билим олиш ҳуқуқи, инклюзив ўқитишнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

ота-она қарамғисиз қолган болаларни тарбиялашнинг муқобил шакллари кенг жорий этиш;

ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий талаб-эҳтиёжидан ва таълим муассасаларининг географик жойлашуvidан келиб чиққан ҳолда махсус мактаб-интернатларни оптималлаштириш;

имконияти чекланган болаларнинг мослашиши ва интеграцияси учун мактаб-интернатларни босқичма-босқич махсус жиҳозлар билан таъминлаш;

имконияти чекланган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олишига бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

е) инновацион иқтисодиёт шароитида ёшларни тарбиялаш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий методлари ва йўналишларини кенг жорий этиш:

республикада мавжуд «Баркамол авлод» болалар марказларини мактабдан ташқари таълим ягона марказига бирлаштириш;

халқ таълими тизимининг мактабдан ташқари таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш;

худудий «Баркамол авлод» болалар марказлари ва ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

худудий «Баркамол авлод» болалар марказларида давр талаби ҳамда ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда долзарб касбларнинг бирламчи асосларини ўргатиш учун тўғараклар, шу жумладан робототехника, дастурлаш бўйича йўналишлар сонини кўпайтириш;

мактабдан ташқари таълим муассасаси раҳбарларини ўқитиш мақсадида олий таълим муассасаларида таълим йўналишларини очиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мактабларни ташқи хавфлардан ҳимоялаш ҳамда болалар ўртасида жинойатчиликнинг олдини олиш бўйича умумтаълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлигини кучайтириш;

саноат корхоналари, илмий муассасалар, ташкилотлар ҳамда хўжалик

юритувчи субъектларнинг мактабдан ташқари таълим муассасалари билан ҳамкорлик тизимини яратиш;

ж) халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш:

барча умумтаълим мактабларини ягона маълумотларни узатиш тармоғига бирлаштириш ҳамда фойдаланиш учун рухсат этилган интернет тармоғи ресурсларини автоматик филтрлаш орқали «хавфсиз мактаб интернет» концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

ички локал тармоқларни яратиш, ўқув синфларини, ўқитувчилар ҳамда мактаб маъмуриятини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари, хусусан компьютер техникаси, интерактив доска, планшет ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик асосида таълим жараёнини автоматлаштириш бўйича ахборот тизимини жорий этиш, барча дарслик ва методик материалларнинг электрон шаклларини eduportal.uz порталида жойлаштириш ва мунтазам янгилаб бориш;

давлат-хусусий шериклик асосида соғлом кадриятларга асосланган таълим тизимининг миллий контентини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, ҳудуд ва умуман мамлакат миқёсидаги юз берадиган хавф-хатарлар ва муаммоларга ўз вақтида муносиб равишда эътибор қаратиш учун ахборот алмашинувининг самарали тизимини шакллантириш;

мавжуд дарслик ва ўқув-услубий адабиётларни электрон кўринишга ўтказиш;

умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг давомати мониторингини таъминловчи биометрик тизимни жорий этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнида компьютерлаштириш даражасини кўтариш;

ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда янги авлод дарслик ва ўқув-услубий адабиётларини тайёрлаш ва чоп этишни ташкиллаштириш;

таълимда мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш жараёнини тизимли ташкил этиш чораларини кўриш;

«Баркамол авлод» болалар марказлари тўгараклари ўқувчиларининг ижодий ишларини сотиш учун электрон дўконлар (artshop) ташкил қилиш;

электрон китобларни мобил усқуналарга юклаб ва кўчириб олиш мақсадида болалар кутубхоналарида QR-код ёрдамида электрон китоблар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

з) халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизминини яратиш:

халқ таълими тизими давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, классификацияси, хизматга қабул

қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

халқ таълими тизимида давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш орқали жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва услубларини жорий этиш;

иш вақти ва моддий ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига халқ таълими тизими ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш;

и) халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни бюджетдан молиялаштириш самарадорлигини ошириш:

халқаро илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларида илғор технологиялар ва муҳандис ечимларига таяниш;

«Замонавий мактаб» давлат дастури доирасида умумтаълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда янги турдаги мактабларни барпо этиш ва муқаддам қурилган янги биноларни замонавий мактаб намунасига мослаштиришни таъминлаш;

умумтаълим мактабларининг ўқув хоналари ва лабораторияларини замонавий мебель, жиҳозлар, ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникалари, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлашни таъминлаш;

таълим муассасаларини молиялаштириш механизмни такомиллаштириш мақсадида бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиққан ҳолда «маблағ ўқувчи ортидан» тамойили асосида (ваучер тизими) босқичма-босқич молиялаштириш тизимига ўтиш. Бунда ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини инобатга олиш;

умумтаълим муассасаларида пуллик хизматларни кўрсатиш, шунингдек ҳомийлик ва хайрия маблағлари орқали бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш амалиётини жорий этиш;

к) халқ таълимини бошқаришда стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари яратиш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, соҳада халқаро тажрибадан келиб чиқиб илғор ютуқлардан фойдаланиш амалиётини кенгайтириш:

халқ таълими тизимини инновацион ривожлантиришнинг келажак моделини шакллантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини кўтаришга ёрдам берувчи узоқ муддатли сценарий асосида стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

конференция, кўргазма ва бошқа тадбирлар ёрдамида мамлакатнинг халқ таълими соҳасидаги ютуқларини халқаро даражада кенг ёритиш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

халқ таълими бошқаруви соҳасига илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш;

бюджетдан ташқари манбалардан, ҳомийлардан маблағлар тушиши ва тақсимланишини назорат қилиш мақсадида рақамли онлайн-платформаларни яратиш;

замонавий инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда виртуал таълим методларини жорий этиш;

маъмурий ва таълим жараёнларини оптималлаштириш учун замонавий блокчейн технологияларини жорий этиш;

л) давлат-хусусий шериклик асосида умумтаълим тармоғини ривожлантириш ҳисобига халқ таълими тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш:

нодавлат умумтаълим мактабларига давлат субсидияларини бериш механизминини яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

халқ таълими соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг янги турларини жорий этиш;

м) ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш:

ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш;

ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш;

ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш;

ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш;

ўқувчи-қизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш.

4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

9. Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантиришда қўйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилади:

STEAM фанларни ва танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенциялари ва малакаларининг ривожланишига алоҳида урғу беришни ҳисобга олган ҳолда, замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган умумтаълим дастурлари ва янги давлат таълим стандартлари жорий этилади;

халқ таълими тизимида ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолашда таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва изланишлар (PISA, TIMSS, PIRLS ва бошқалар)да Ўзбекистон Республикасининг доимий иштироки таъминланади;

таълим дастурлари ва муассасаларини аккредитация қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг етакчи халқаро бирлашмаларга кириши таъминланади;

хорижий тил, информатика, математика, физика, кимё, биология фанларини чуқур ўрганишга мўлжалланган дидактик материаллар ва мультимедиа маҳсулотларининг янги авлодлари тайёрланади;

муваффақиятли фаолият кўрсатаётган умумтаълим муассасалари негизида тармоқ мактаблари яратилади ва ушбу тармоққа ўқувчиларни қамраб олиш коэффиценти паст бўлган бошқа мактаблар ҳам киритилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида биттадан Президент мактаблари ташкил этилади;

4 860 умумтаълим муассасаси тасдиқланган баҳолаш мезонларига мувофиқ «Замонавий мактаблар»га айлантирилади;

давр талабидан келиб чиқиб, педагог кадрлар малакасини ошириш курсларининг ўқув дастурига асосан ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш мақсадида электрон ресурслар яратилади;

мактабдан ташқари таълим сифатини ошириш ва болаларни мактабдан ташқари таълим хизматлари билан қамраб олиш ўқувчилар умумий сонига нисбатан 50 фоизга етказилади;

олий таълим муассасаларида «Халқ таълими соҳасида бошқарув» йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

умумтаълим фанлари бўйича 3 мингга яқин педагог ихтисослиги бўлмаган кадрлар педагогик ва касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқитилади;

халқ таълими тизимидаги барча таълим муассасаларининг электр энергияси, табиий газ, кўмир, ичимлик суви ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминланиши ташкил этилади;

барча таълим муассасаларининг интернет тармоғига тўлиқ уланиши таъминланади;

барча умумтаълим мактабларида ўзлаштириш журналлари ва кундалик ёзувларнинг электрон шаклларида фойдаланиш, давоматни масофадан мониторинг қилиш, ўқувчиларнинг келиш ва кетиш вақтлари назорати билан боғлиқ бўлган ўқув жараёнини автоматлаштириш тизими жорий этилади;

барча умумтаълим муассасаларида ўқувчиларни қабул қилиш ва бошқа таълим муассасаларига ўтказиш учун давлат хизматларини кўрсатиш механизми жорий этилади;

барча умумтаълим мактабларида ўқувчининг идентификация карталари (ID-карта, NFC белгиси ва бошқалар) жорий этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**349 Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг қуйидагилар орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини фаоллаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

кимё ва нефть-газ саноати, машинасозлик соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар, банк-суғурта ташкилотлари устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун тайёр инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш;

инвестиция ва бизнес форумлар, тақдимотлар («Road Show») ва маркетинг кампаниялари имкониятларидан кенг фойдаланиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича устувор йўналишларни ташкил этиш.

2. Қуйидагилар:

Инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш учун таклиф қилинадиган хўжалик жамиятларининг устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Белгиланган тартибда сотиладиган давлат активлари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Хорижий инвесторларга таклиф қилинадиган инвестиция таклифлари рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этиши учун

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 апрелда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тавсия қилинадиган халқаро иқтисодий ва инвестициявий форумлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (А.Н. Арипов) икки ҳафта муддатда инвесторларга сотиладиган хўжалик жамиятлари давлат акциялари (улушлари) пакетларини баҳолаш ва савдога қўйиш графикларини тасдиқласин.

Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига хўжалик жамиятлари давлат акциялари (улушлари) пакетларини хорижий инвесторларга сотиш шартлари ва усулларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил куз фаслида Тошкент шаҳрида Тошкент халқаро инвестиция форумини (кейинги ўринларда — Халқаро инвестиция форуми) ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) 5-иловага* мувофиқ тузилсин.

Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ташкилий қўмитага (Арипов):

зарур ҳолларда, Халқаро инвестиция форумини молиявий, юридик ва ахборот жиҳатдан таъминлаш учун етакчи хорижий компанияларни жалб қилиш;

Халқаро инвестиция форуми дастури ва уни ўтказишнинг аниқ санаси, шунингдек, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш;

истикболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича дастлабки ТИА ва бошқа лойиҳа ҳужжатларини лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқишни таъминлаш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси истикболли инвестиция лойиҳаларини Ташкилий қўмитага тақдим қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг Халқаро инвестиция форумида фаол иштирок этишларини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги:

2019 йил давомида мунтазам равишда йирик халқаро бизнес ва молиявий хабрларга мақсадли аудитория учун мўлжалланган тақдимотлар билан ташриф буюрган ҳолда «Road Show» дастурларини ишлаб чиқсин ва тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда икки

* 4 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида инвестициявий резидентлик тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда маркетингнинг энг янги технологияларидан фойдаланиш, мамлакатнинг ягона интеграциялашган брендини яратиш ва илгари суриш ҳамда стратегик коммуникациялар бўйича халқаро маслаҳатчиларни жалб қилиш орқали халқаро бизнес аренада Ўзбекистоннинг ижобий имиджини илгари суриш бўйича «Invest in Uzbekistan» — ягона, мувофиқлаштирилган ахборот кампаниясини ишлаб чиқсин.

9. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига — вазирлик ва идораларнинг Халқаро инвестиция форуми доирасида хорижий инвесторларга таклиф қилинадиган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Х. Камиллов ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари зиммасига — Халқаро инвестиция форумида қатнашиши учун потенциал инвесторлар ва хорижий мамлакатларнинг ишбилармон тузилмалари вакилларини таклиф қилиш ва уларнинг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан;

тармоқ вазирлик ва идоралари раҳбарлари зиммасига — тегишли соҳаларда истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ташкилий қўмитага тақдим қилиш юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — Халқаро инвестиция форумида тегишли ҳудудларнинг фаол иштирокини таъминлаш, унинг инвестициявий салоҳиятини тақдим қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

хорижий мамлакатларда «Road Show»да иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси делегацияси вакилларига қўмаклашсин;

Халқаро инвестиция форумининг хорижий иштирокчилари учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг виза талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига кириш визаларини белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштирилишини таъминласин;

Халқаро инвестиция форумининг ўтказилишини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали кенг ёритишни таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар бир ер участкаси ва хорижий инвесторларга фойдаланишга тайёр ҳолда таклиф қилинадиган бўш турган давлат мулки объектлари, шу жумладан махсус туристик зоналар ҳудудларида

жойлашган объектлар бўйича инвестиция лойиҳалари материалларининг инглиз ва рус тилларидаги тақдимот каталогини ҳар ой тайёрласин ва киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар хорижий инвесторлар учун иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестициявий талаб ва потенциал лойиҳалар, зарур тақдимот материалларини тайёрласин;

2019 йил давомида мамлакатда кенг миқёсли ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги, инвестиция киритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлар ва ишбилармонлик муҳитининг яхшиланганлиги тўғрисида, энг аввало, хорижий ишбилармонлар, тадбиркорлар, потенциал инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари орасида тарғибот ва кенг хабардор қилиш масалалари бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

Халқаро инвестиция форуми доирасида, амалга оширилаётган ислохотлар, инвестиция лойиҳаларининг долзарб жиҳатларига бағишланган, шу жумладан тармоқ вазирлик ва идоралари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мутахассислар ва тадбиркорлар, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг иштирокида брифинглар, матбуот анжуманлари, давра суҳбатларини ўтказсин;

Интернет тармоқларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тармоқ ислохотлари, ҳар бир амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасининг асосий параметрлари, лойиҳаларни амалга ошириш кафолатлари, уларнинг рақобатдаги устунликлари ва бошқалар тўғрисида батафсил ва тушунарли расмийлаштирилган ахборот ресурсларини тайёрлаш борасидаги ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Халқаро инвестиция форумини ўтказиш кунларида хорижий иштирокчиларнинг тегишли ҳудудларда жойлашган маданий-тарихий объектларга ташрифини юқори даражада ташкил этиш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар Халқаро инвестиция форуми ва «Road Show»ни ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси вакилларининг халқаро инвестиция ва бизнес форумларда иштирокига оид тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2019 йилда ишлаб чи-

қилиши лозим бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари рўйхати 7-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг тўлақонли бажарилиши учун зарур бўлган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмундаги 31 ва 32-бандлар билан тўлдирилсин:

«31. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига, шу жумладан хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хусусийлаштириладиган ёки хўжалик жамиятларининг устав фондларига давлат улуши сифатида ўтказиладиган давлат активларини баҳолаш хизматлари.

32. Давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш ҳамда маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида IPO (SPO) бўйича эмиссияларни жойлаштириш учун жалб қилинадиган инвестиция воситачилари, маслаҳатчилари, шу жумладан хорижий маслаҳатчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига кўрсатилган хизматлари.»

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.М. Фаниев ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 апрель,
ПҚ–4300-сон

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**350 Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Маҳаллий ва хорижий бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.

Ички бозордаги эҳтиёжлар ҳажмларининг таҳлили давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини амалга ошириш орқали саноат кооперациясини ва талаб юқори бўлган товарларнинг алоҳида турларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, кичик бизнес субъектларини саноат фаолиятига кенг жалб этиш, саноат кооперациясини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар республика саноат кооперациясини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган устувор йўналишлари деб ҳисоблансин:

саноат маҳсулотлари бозорининг барча қатламларидаги хўжалик юритувчи субъектларни мақсадли жалб қилиш, барча манфаатдор доираларга республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг турлари, техник тавсифлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида батафсил маълумот бериш орқали дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш ва мунтазам равишда саноат ярмаркалари ўтказиш;

ҳамкорлар топиш, хўжалик, шу жумладан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишнинг муҳим воситаси сифатида электрон кооперация порталининг фаолиятини ташкил этиш, унда саноат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича хўжалик шартномаларини (контрактларни) тезкорлик билан масофадан тузиш имкониятини тақдим қилиш;

технопарклар ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, давлат харидлари тизими орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун барқарор талабни шакллантиришни назарда тутадиган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

2. 2019 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзлаштирилиши тавсия этиладиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларнинг янги турлари рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 майда эълон қилинган.

Маҳкамаси қарорига кўра ҳар ярим йилда камида бир марта қуйидаги таклифлар асосида янгиланади:

республика минтақаларининг табиий, минерал-хом ашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳияти, тегишли инфратузилмаси, импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмлари, таркиби ва номенклатураси, шунингдек, ишга туширилаётган йирик ишлаб чиқариш қувватларининг истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг таклифлари;

ташқи бозорлар конъюнктурасига мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг таклифлари;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, шу жумладан ҳар йили ўтказиладиган Халқаро инновация ярмаркаси давомида тақдим этилган инновацион ғоялар асосида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг таклифлари;

монопولлашув ва рақобат муҳитини ривожлантириш, ўзаро бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи товарлар ва нарх омилини инobatга олган ҳолда ички бозорнинг товарлар билан тўйинганлиги даражасини баҳолаш асосида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг таклифлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Рўйхатга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун, шу жумладан Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси иштирокида инвестицияларни жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи иқтисодиётда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш тизимини эксперимент тарихида жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар негизида янги лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, технопаркларни куриш;

б) аввало Рўйхат бўйича янги маҳсулот турларини тайёрловчи ишлаб чиқаришларни жойлаштирган ҳолда «Тошкент механика заводи» АЖнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва ҳудуди негизида технопарк ташкил этиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан лойиҳани амалга ошириш учун олинган кредитнинг 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорига кафиллик бериш ва Рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини 5 фоизгача қоплаш шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини амалга ошириш.

5. «Тошкент механика заводи» АЖнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва ҳудуди негизида технопарк ташкил этишнинг молиялаштириш манбалари этиб 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастури-

да эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида зарур инфратузилмани барпо этиш учун назарда тутилган 50 миллиард сўм миқдоридagi марказлашган маблағлар белгилансин.

6. Мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва саноат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича комиссиянинг (кейинги ўринларда — Комиссия) таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссиянинг ишчи органи этиб Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги белгилансин.

7. Комиссияга (Б.А. Ходжаев):

талаб юқори бўлган маҳсулотлар, шу жумладан истеъмол товарларининг рўйхатини, мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш механизмларини белгилаш, улар асосида ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини ҳар йили тасдиқланадиган манзилли рўйхатларга киритиш;

Рўйхатда кўрсатилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни ўз вақтида амалга ошириш бўйича таъсирчан чоралар кўрган ҳолда, ушбу жараёнларни мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек давлат томонидан қўллаб-қувватлашни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

8. 2019 йил 1 июлдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) маҳаллий етказиб берувчиларнинг иштирокини ва нарх шаклланишида шаффофликни таъминлаш учун давлат буюртмачилари томонидан импорт товарларни харид қилиш тўғрисидаги истаклар давлат харидлари махсус ахборот порталида ҳам жойлаштирилади;

б) уч ёки ундан ортиқ иштирокчилар — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари буюртмачининг танловига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин;

в) буюртмачиларга Рўйхатдаги маҳсулотларни харид қилишда инвесторга, сифат бўйича, келишилган техник ва нарх кўрсаткичларига амал қилиш шarti билан, етказиб бериш вақтидан бошлаб икки йил давомида маҳсулотнинг давлат харидлари тизими орқали сотиб олинишига кафолат тақдим этувчи махсус контрактларни танлов тартиб-таомиллари орқали тузиш ҳуқуқи берилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан биргаликда олти ой муддатда давлат харидлари махсус ахборот портали билан интеграциялашган электрон кооперация порталини ишлаб чиқсин ва уни қўллаб-қувватлашни таъминласин. Унда қуйидаги имкониятлар назарда тутилсин:

а) бир неча мезонлар ва кўрсаткичлар бўйича излаш имкониятига эга бўлган, мунтазам янгилаб бориладиган ҳамда қуйидагилар тўғрисидаги маъ-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лумотларни қамраб олувчи маълумотлар базасини шакллантириш ва жойлаштириш:

10 та белгидан иборат ТИФ ТН кодлари билан ўзаро боғлиқликда ҳар бир маҳсулот тури бўйича товар бозорининг ҳажми (ишлаб чиқариш, импорт, экспорт ҳажми) тўғрисида;

маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси, унинг техник ва нарх кўрсаткичлари, шунингдек, саноат кооперациясини ўрнатиш бўйича таклифларни акс эттирган ҳолда, ушбу корхоналар тўғрисида;

давлат ва корпоратив буюртмачилар, шунингдек стратегик харидорлар эҳтиёжларини қондириш мақсадида келгуси давр учун харид режалари ва режа-графиклар тўғрисида;

маҳаллий корхоналар негизида ишлаб чиқариш тавсия этилаётган ўзлаштирилиши истиқболли маҳсулот турлари тўғрисида;

б) корхоналар томонидан керакли шаклларнинг онлайн режимда мустақил тўлдирилиши орқали маҳаллий корхоналар учун ахборотни маълумотлар базасига бепул киритиш имконияти;

в) корхоналар, етказиб берувчилар ва давлат органлари ўртасида интерактив ҳамкорлик қилиш имконияти;

г) порталнинг статистика, божхона, солиқ ва молия органларининг маълумотлар базалари билан интеграциялашганлиги.

Белгилаб қўйилсинки, Рўйхат электрон кооперация порталида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг расмий веб-сайтида бепул асосда мажбурий равишда эълон қилинади.

10. Қуйидагилар электрон кооперация порталига тегишли ахборотларни тўғри ва ҳаққоний киритилиши ва уни ўз вақтида янгилаб борилиши учун масъул этиб белгилансин:

республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ҳажми ва техник параметрлари юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзстандарт» агентлигининг ҳудудий бўлинмалари;

саноат маҳсулотлари импорти юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси;

келгуси давр учун давлат харидларининг режа-графиклари ва давлат харидларининг ўтган йилдаги амалдаги ҳажми юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, устав фонди (капитали)даги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

маҳаллий корхоналар негизида ишлаб чиқариш тавсия этилаётган ўзлаштирилиши истиқболли маҳсулот турлари юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

ушбу қарорнинг 10-бандида кўрсатилган маълумотларнинг электрон кооперация порталига ўз вақтида ва тўлиқ киритилиши устидан назоратни таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Саноат ярмаркаларини ва электрон кооперация портали фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда электрон кооперация порталига киритиладиган, шу жумладан республикада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар эҳтиёжлари учун импорт қилинадиган (ТИФ ТН коди 10 та белгидан иборат) маҳсулотларнинг ҳажми ва техник параметрлари тўғрисидаги маълумотларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Қўйидагиларга:

иктисодиёт ва саноат вазири Б.А. Ходжаевга — саноат соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш, Рўйхатга киритилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнини мувофиқлаштириш, шунингдек, электрон кооперация порталининг фаолият кўрсатиши, иктисодиётда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш бўйича экспериментни самарали амалга ошириш юзасидан;

инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзоқовга — инвесторларни излаш ва уларни эркин иктисодий зоналарга жойлаштириш, биринчи навбатда, Рўйхатга киритилган маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, иктисодиётда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан;

«Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ раиси Ф.Ф. Ибрагимовга — электрон кооперация порталини яратиш ва унинг давлат харидлари махсус ахборот портали билан интеграциялашувини таъминлаш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.И. Икрамовга — республикада ишлаб чиқарилаётган товарлар, ишлар ва хизматларнинг саноат ярмаркасини ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни харид фаолиятига жалб қилиш, харид қилиш операцияларининг доимий равишда янги ташкил этилаётган электрон кооперация портали орқали ўтказилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу қарорнинг моҳияти ва қоидалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги:

бир ой муддатда «Тошкент механика заводи» АЖнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва ҳудуди негизида технопарк фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, шунингдек,

манфаатдор вазирлик ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва талаб юқори бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича «йўл харита»ларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунга харид қилиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш, уларнинг шаффофлигини оширишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни киритсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

бир ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 май,
ПҚ-4302-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 1 майдаги
ПҚ-4302-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2019 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан
ўзлаштирилиши тавсия этиладиган ички бозорда талаб
юқори бўлган ва экспортга йўналтирилган тайёр
маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ҳамда
материалларнинг янги турлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Маҳсулот номи	ТИФ ТН коди
I. Озиқ-овқат маҳсулотлари		
1.	Маргарин	1517109000
2.	Плиткали, сутли шоколад	1806310000
3.	Макарон маҳсулотлари	1902301000
4.	Колбаса ва сосиска маҳсулотлари учун устки қоплама	3917101000, 3917109000
5.	Маккажўхори крахмали	1108120000

Г/р	Маҳсулот номи	ТИФ ТН коди
6.	Шакарсиз сақич	2106909801
7.	Лимон кислотаси	2918140000
8.	Қуруқ хамиртуруш	2102103100
II. Трикотаж буюмлар, кийим-кечак, пойабзал		
9.	Джинси матоси	5211420000
10.	Трикотаж мато	6004100000, 6006329000,
11.	Болалар кийим-кечаги	6111209000, 6111309000
12.	Пойабзал учун этикеткалар	4016100000
13.	Болалар пойабзали	6404110000
III. Дори воситалари		
14.	Нинали шприцлар	9018311009
15.	Ветенария вакциналари	3002300000
IV. Канцелярия моллари		
16.	Канцелярия моллари	8472909900, 8205598099, 3213100000, 3407000000, 9609101000, 8213000000, 8305200000, 9017201000, 8214100000, 8211930000, 8305900000, 8305900000
V. Қурилиш материаллари		
17.	Обойлар ва шунга ўхшаш девор қопламалари	4814200000
18.	Цементлар, қурилиш аралашмалари ёки бетонлар учун тайёр қўшимчалар	3824400000
19.	Қўчага териладиган плиткалар, поллар учун қоплама	6907219009, 6907229009
20.	Сантехника маҳсулотлари учун смесителлар	8481801100
21.	Ёғоч-толали плиталар (ДСП, МДФ)	4411129000, 4411131000, 4411139000, 4411141000, 4411149000, 4411921000, 4411929000
VI. Резиналар, пластмассалар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар		
22.	Қувурларни изоляция қилиш учун плёнкалар	3919900000
23.	Юқори босимга чидайдиган полиэтилен шланглар	3917219000
24.	Рақам белгилари учун нур қайтарувчи плёнкалар	3919108000
25.	Узатма тасмалар	4010390000
26.	Тўқимачилик маҳсулотлари учун тугмалар	9606210000,

Т/р	Маҳсулот номи	ТИФ ТН коди
		9606220000, 9606290000
27.	Мебель фурнитуралари	3926300000
28.	Прокладкалар, шайбалар, зичлагичлар	4016930008
29.	Ўраш учун ғалтаклар	3923409000
30.	Хавфсиз устаралар	8212101000
31.	Резинали қўлқоплар	4015190000
32.	Пластмасса ва гофраланган трубалар	3917290000
33.	Бир марталик эшитиш воситаси	8518309500
34.	Ҳимоя кўзойнаклари	9004109100, 9004109900
VII. Кимё ва у билан боғлиқ тармоқлар маҳсулотлари		
35.	Ўраш учун ёпишқоқ лента	3919900000, 3919108000
36.	Тўқимачилик саноати учун ишлатиладиган бўёқлар	3204110000, 3204120000, 3204130000, 3204140000, 3204150000, 3204160000, 3204170000, 3204190000, 3204200000, 3204900000
37.	Қоғоз ва термоқоғоз (ўзи елимланадиган)	4811419000, 4811900000
38.	Кукунли бўёқ	3212900000, 3204170000
39.	Акрил полимерлар	3906909000
40.	Автомобиль йўллари ва аэропортлар учун кимёвий реагентлар	3824999608
41.	Ювиш ва тозалаш воситалари	3402209000
42.	Дезодорантлар, дезодорант-антиперспирантлар (спрей, қаттиқ, шарикли, гел ва крем кўринишда)	3307200000
43.	Синтетик каучук	40021
44.	Активлаштирилган кўмир	3802100000
45.	Болалар тагликлари	9619
46.	Сув ўтказмайдиган полимер қатламли қоғоз пакетлар	4819400000
47.	Бинолар ва автомобиллар учун хушбўйлаштирувчи ва ҳаво тозаловчи воситалар (аэрозоль ўрамда, спрейлар, геллар ва суюқ ҳаво тозаловчилар)	3307490000
48.	Полиграфик бўёқлар	3215190000
49.	Елимлар	3506100000, 3506910000, 3506990000
50.	Тиш пасталари	3306100000
51.	Шампунлар	3305100000
52.	Рангларга энергия берувчи эритмалар	3808939000
53.	Антифризлар ва музлашга қарши суюқликлар	3820000000

Т/р	Маҳсулот номи	ТИФ ТН коди
54.	Водород перексиди (водород перекиси) 30%, 60%	284700000
55.	Атир совун	3401110001
56.	Акрил ва винил полимерлар асосида тайёрланган бўёқ ва лаклар	3208209009
57.	ABC маркали ўт ўчиргичларни тўлдириш кукун	381300000
58.	Моторли, трансмиссияли, гидравлика мойлари	2710198200
VIII. Металлар ва улардан ясалган буюмлар		
59.	Печларда ишлатиладиган электродлар	8545110020
60.	Кувурлар учун фитинглар	7307998009
61.	Графит электродлари	8545110080
62.	Нефть ёки газ кувурлари учун тўғричокли кувурлар	7305110008
63.	Латун маҳсулотлари (фитинглар, газ редукторлари ва бошқалар)	7412200000, 7419999000
64.	Маҳсулот ва юклар учун аравалар (супермаркетлар, аэропортлар, автовокзаллар, темирйўл вокзаллари учун)	8716800000
65.	Металл, эмалланган, хўжалик идишлари	7323940000
66.	Металл мебель	9403208000
67.	Ҳаммом учун бурчақлар — шампунлар учун тагликлар	9403208000
IX. Ускуналар		
68.	Иссиқхона ускуналари	9406903100
69.	Гидравлик, ёқилғи, қўл насослари	8413190000, 8413502000, 8413506100, 8413602000, 8413603100, 8413606100
70.	Ҳаво компрессорлари	8414805900
71.	Мобиль бетон насослар	8705903000
72.	Турли қувватлардаги электр моторлар	8501
73.	Паррандачилик учун ускуналар, инкубаторлар	8436290000
74.	Чорва моллари учун ўтларни майдалаш	8436100000
75.	Газ бериш назорат тизимисиз газ горелкалари учун кранлар	8481808190
76.	Поливинилхлорид манжетли изоляцияланган ҳалқасимон учликлар	8536901000
77.	Иссиқлик алмашгичлари	8419500000
78.	Тақсимловчи шиглар	8537109900
79.	Ўртага йўналтирилган вентиляторлар	8414594000
80.	Сувни тўқадиган механизмлар	8481807900
81.	Электр пайвандлаш ускуналари	8515
82.	Бетон миксерлар (1 м ³ гача)	8474310000
83.	Автомобиллар учун амортизаторлар	8708803509
84.	Турли хил ўлчамдаги ва турдаги ременлар	4010390000
85.	500 кВт гача бўлган электр ва комбинациялашган иситгич қозонлари	8403101000, 8403109000
86.	Ўт олдириш свечалари	8511100008
87.	Чироқлар, шу жумладан шахталарда ишлаш учун мўлжалланган (бош чироқ)	8513100000

Т/р	Маҳсулот номи	ТИФ ТН коди
88.	Электр қўл асбоблари	8467219100, 8467219900
89.	Велосипедларнинг бутловчи қисмлари	8712008000, 8712003000, 8712007000
90.	Оптик компьютер сичқончалари	8471607000
91.	Тормоз колодкалари	8708309909
92.	Телефон аппаратлари ва уларнинг бутловчи қисмлари	8517120000, 8517120000, 8517180000
93.	Светодиод (LED) линейкалар ёки (LED) панеллар	8541401000
94.	Ички ёниш двигателлари учун ҳаво филтрлари	8421310000
95.	Компьютер клавиатураси	8471606000
96.	Кир ювиш ва қуритиш машиналари	8450, 8451, 8516808000
97.	Маиший совутгич ва музлаггичлар	8418
98.	Электр шарбат чиқаргичлар	8509400000
99.	Электр чойнаклар	8516710000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

351 Муборак рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида*

Тобора ривожланиб, чирой очиб бораётган жонажон Ватанимизда миллий ва диний кадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада мустаҳкамлаш, эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, саховат, меҳр-мурувват рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойини муносиб ўтказиш, ушбу ойда ислом динининг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғоялари ҳамда инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида:

1. 2019 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 6 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Респуб-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 майда эълон қилинган.

лика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда:

жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда улғайиб келаётган ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этишга;

мурувват, аҳиллик ва ҳамжихатликни улуғловчи ушбу фазилатли ойда эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 май,
ПҚ-4303-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**352 Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда истиқболли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, шунингдек халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ёшларни амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, илм-фанни ўзлаштиришга бўлган рағбатини ошириш, изланувчанлик ва яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш, жаҳон миқёсида Ватанимиз довуғини кенг таратган аждодларга муносиб авлодни тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимининг белгиланган штатлар сони доирасида ушбу вазирлик тузилмасида 14 та штат бирлигидан иборат Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: иқтидорли ўқувчи ёшларни аниқлаш, улар фаолиятини илмий ва услубий жиҳатдан таъминлаб бориш, соҳада илғор тажрибаларни оммалаштириш ва улар асосида таълим муассасалари учун тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида маҳаллий ва халқаро, шу жумладан нодавлат фан олимпиадаларини ташкил этиш, уларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш;

юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда олимпиадалар учун доимий янги назорат материалларини ишлаб чиқиш;

халқаро олимпиадалар иштирокчиларини юқори малакали мутахассислар, шу жумладан олимлар, профессор-ўқитувчилар, хорижлик мутахассисларни жалб қилган ҳолда тайёрлаш, инглиз тили ва рус тили фанларидан мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида махсус курслар ташкил этиш;

олимпиадаларда юқори натижаларни қайд этган иқтидорли ўқувчилар-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 майда эълон қилинган.

нинг келгусидаги фаолиятини мониторинг қилиб бориш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

3. Қўйидагилар:

Ғолиблари давлат олий таълим муассасаларига тест синовисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадиган халқаро олимпиадалар рўйхати (кейинги ўринларда — халқаро олимпиадалар) 1-иловага мувофиқ;

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўтказиладиган қўшимча республика олимпиадалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда давлат таълим стандартлари ўқув дастурлари ва режаларида белгиланган фанлар ҳамда уларга ажратилган ўқув соатларидан келиб чиққан ҳолда асосий олимпиадалар ўтказиладиган фанлар рўйхатини тасдиқласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

асосий олимпиадаларнинг республика босқичида 1 — 3 ўринларни эгаллаган иштирокчиларга ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Фанлар академияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий таълим муассасасига қабул қилинган олимпиада ғолибларига «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассислар бириктирилади.

5. Белгилансинки:

а) халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг қўйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин (олтин медаль) учун — 500, ўқитувчисига — 450 баравари;

2-ўрин (кумуш медаль) учун — 300, ўқитувчисига — 250 баравари;

3-ўрин (бронза медаль) учун — 200, ўқитувчисига — 150 баравари;

б) асосий олимпиадалар республика босқичи ғолибларининг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг қўйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин учун — 50 баравари;

2-ўрин учун — 35 баравари;

3-ўрин учун — 30 баравари;

в) халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбатдаги ўқув йили учун директор жамғармасидан олтин, кумуш ва бронза медаллари бўйича тегишинча қўшимча 200, 175 ва 150 фоизлик устама тўланади;

г) таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган:

халқаро олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 150 фоиз;

асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 фоизлик устама ҳақи тўланади;

д) олий таълим муассасасини тамомлаган олимпиада ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан шакллантириладиган истиқболли мутахассислар захирасига киритилади.

6. Департамент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг 4 — 11 синф, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ҳар чоракда онлайн тарзда олимпиадалар ташкил қилиш орқали иқтидорли ўқувчилар захирасини шакллантирсин ҳамда захирага киритилган ёшлар учун Халқ таълими вазирлиги веб-сайти орқали ҳар ойда чуқурлаштирилган назорат материаллари, шу жумладан тест, ёзма ишлар учун масалалар етказиб борилишини таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) асосий олимпиадаларни ташкил қилиш ҳамда халқаро олимпиадалар учун иштирокчиларни саралаш ва тайёрлаш харажатлари:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ҳамда техник кўмаклашиш маблағлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

б) ўқувчи ёшларнинг халқаро олимпиадалардаги иштирокини таъминлаш билан боғлиқ, шу жумладан суткалик, яшаш ва транспорт харажатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

в) асосий ва халқаро олимпиада ғолиблари ҳамда уларнинг ўқитувчиларига тўланадиган бир марталик пул мукофотлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига тўланадиган устама ҳақлари билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2019 йил 1 августга қадар барча босқичдаги олимпиадалар бўйича маълумотлар, шу жумладан олимпиадалар учун танланган назорат материаллари, иқтидорли ўқувчилар захираси, олимпиада иштирокчилари, ғолиблари, уларга бириктирилган ўқитувчилар ҳисобини юритувчи ахборот тизимини ишга туширсин;

бир ой муддатда Департамент зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва юқори профессионал даражада бажаришга қодир малакали, чуқур билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ходимлар билан тўлдириш, моддий-техника базасини шакллантириш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамда таркибида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда ўқувчи ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини намоён этишига қўшимча шароитлар яратиш мақсадида олий таълим муассасалари томонидан ҳар йили ўтказиладиган олий таълим муассасалари олимпиадаларининг режа-жадвалини тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил этиш, ўтказиш ва халқаро олимпиадалар иштирокчиларини саралаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

иктидорли ўқувчилар захирасига киритилган ўқувчи ёшлар олимпиадаларнинг тўғридан-тўғри вилоят босқичида қатнашиши, олимпиадаларнинг вилоят ва республика босқичи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб-сайти орқали онлайн тарзда тўғридан-тўғри намоёйиш этилиши;

олимпиадалар очик ва шаффоф тарзда ўтказилиши, натижалари улар ўтказилган куннинг ўзида эълон қилиниши;

олий таълим муассасаларига қабул қилинган олимпиада ғолибларига «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларнинг бириктирилиши;

асосий олимпиадаларнинг республика босқичи ғолибларига давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини тақдим этувчи сертификат берилиши;

барча босқичдаги олимпиада натижалари, шу жумладан иштирокчилар тўғрисида маълумот, уларнинг ёзма ишлари тўлиқ ахборот тизимига киритилиши ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб-сайтида эълон қилиниши.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 3-иловага* мувофиқ ўзгартиш киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг кўламда ёритишни ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 май,
ПҚ-4306-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 3 майдаги
ПҚ-4306-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ғолиблари давлат олий таълим муассасаларига тест
синовисиз ва кўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадиган
халқаро олимпиадалар
РЎЙХАТИ**

1. Халқаро математика олимпиадаси — International Mathematical Olympiad (IMO)
2. Халқаро физика олимпиадаси — International Physics Olympiad (IPhO)
3. Халқаро кимё олимпиадаси — International Chemistry Olympiad (IChO)
4. Халқаро биология олимпиадаси — International Biology Olympiad (IBO)
5. Халқаро информатика олимпиадаси — International Olympiad in Informatics (IOI)

Изоҳ: мазкур рўйхатда келтирилмаган халқаро ва минтақавий фан олимпиадалари мақоми асосий олимпиадаларнинг республика босқичига тенглаштирилади ва улар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 3 майдаги
ПҚ-4306-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
ҳокимликлари билан биргаликда ўтказиладиган
қўшимча республика олимпиадалари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Фан номи	Худуд	Мукофот жамғармаси	Молиялашти- риш манбаси	Ўтказиш муддати
1.	Биология	Жиззах вилояти	1-ўрин учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари	Маҳаллий бюджетнинг режадан орттириб бажарилган қисми маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Октябрь
2.	Кимё	Фарғона вилояти	2-ўрин учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари		
3.	Математика	Бухоро вилояти	2-ўрин учун энг кам ойлик иш ҳақининг 85 баравари		
4.	Физика	Хоразм вилояти	3-ўрин учун энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баравари		
5.	Информатика ва ахборот технологиялари	Тошкент шаҳри	3-ўрин учун энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баравари		Ноябрь

* Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таклифлари асосида бошқа қўшимча фан олимпиадалари ташкил қилиниши мумкин.

Мазкур олимпиада ғолиблари ўқитувчилари тегишинча энг кам ойлик иш ҳақининг 80, 65 ва 50 баравари миқдорида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади.

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда аввалги йил ўтказилган худудлардан бошқа худудларда ташкил этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**353 Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан қўмаклашиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Республика Маънавият ва маърифат кенгаши (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб юритилади) фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш;

оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштирок этиш, «маҳалла — туман — вилоят — республика» принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

«Жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш;

тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 майда эълон қилинган.

турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш;

аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш.

2. Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чоратадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) Маънавият ва маърифат кенгашлари (кейинги ўринларда — ҳудудий кенгашлар) раислари ўн кун муддатда ҳудудий кенгашлар таркибини қайта тасдиқласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Республика кенгашининг йиғилиши бир йилда бир марта Республика кенгаши раиси, бошқа вақтларда эса заруратга қараб Республика кенгаши раисининг ўринбосарлари томонидан ўтказилади;

ҳудудий кенгашларнинг йиғилишлари ҳудудий кенгашлар раислари томонидан ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади;

Республика Маънавият ва маърифат маркази (кейинги ўринларда — Марказ) Республика кенгашининг, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари тегишли ҳудудий кенгашларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

6. Марказ:

а) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторлари;

бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш шакллари;

маънавий тарбияни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш механизмлари;

тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб боришни назарда тутувчи узлуксиз маънавий тарбия тизими;

маънавий тарбияни шакллантиришнинг ҳомиладорлик давридан бошланиши ва тарбиянинг ҳар бир босқичдаги ўзига хос хусусиятлари;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланиши;

б) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда икки ой муддатда қўйидагиларни назарда тутган ҳолда, Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Республика кенгашига киритсин:

худоудлардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини хонадонма-хонадон юриб аниқлаш, тизимли мониторинг ва таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш шакллари;

таҳлил натижаларини «маҳалла — туман — вилоят — республика» принципи асосида худоудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳит харитасида акс эттириш тартиби;

ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва манзилли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишга доир тавсиялар;

аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион методларни яратиш, илмий-амалий дастурларни амалиётга жорий этиш механизми;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда Марказнинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ходимлари, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимларини Марказ ҳузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» таълим муассасасида тизимли равишда ўқитиш амалиётини жорий этсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига:

«Madaniyat va ta'rifat» телеканалини Марказ, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари фаолиятини ёритиш масалалари бўйича Республика кенгашининг бош ахборот ҳамкори этиб белгилаш;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Халқаро пресс-клуб ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақолалар, токшоулар, ижтимоий роликлар, кўрсатувлар, публицистик чиқишлар ва эшиттиришлар ташкил қилиш тавсия этилсин.

8. Марказ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг маънавий-маърифий ишларни амалга оширишдаги, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига топшириладиган «Маънавият фидойиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой

муддатда «Маънавият фидойиси» кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Марказ ҳузурида «Маърифат» тарғиботчилар жамияти нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида таъсис этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига «Маърифат» тарғиботчилар жамияти фаолиятини давлат субсидияси шаклида қўллаб-қувватлаш тавсия этилсин.

10. Белгилансинки, 2019 йил 1 июндан ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Марказ, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ходимлари лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари 1,7 барабар кўпайтирилган миқдорда қўлланилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказ, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ходимларининг иш ҳақи миқдорини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун 2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин.

12. Марказ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Ариповга — Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш. Махмудовга — Чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилиши, кейинги йиллар учун назарда тутилган чора-тадбирлар дастурлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши;

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган вазифалар ижросининг тўғри ташкил этилиши ҳамда тадбирларнинг муддатида ва тўлиқ бажарилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

14. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 3 май,
ПҚ-4307-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

354 Ваколатли иқтисодий оператор институтини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, божхона тартиб-таомилларини янада содалаштириш ва халқаро стандартларга мувофиқ халқаро савдо хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон Фармонига асосан 2019 йил 1 февралдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган талабларга жавоб берадиган, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳалол иштирокчиларига содалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этишни назарда тутувчи халқаро стандартларга мувофиқ ваколатли иқтисодий операторлар институти жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

2019 йил 1 июнгача ваколатли иқтисодий операторлар институтини жадал ривожлантириш мақсадида Ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритиш мезонларига мос келадиган юридик шахсларни тажриба сифатида танлаб олсин;

тажриба доирасида танлаб олинган юридик шахсларни уларнинг розилиги билан Ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритишни ва божхона операцияларини амалга оширишда содалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқи бўйича тушунтиришлар берилишини таъминлансин;

2019 йил 1 декабргача Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда махсус

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 апрелда эълон қилинган.

соддалаштиришлар рўйхатини, шунингдек, Ваколатли иқтисодий операторлар реестрига киритиш учун танлаш мезонларини янада такомиллаштириш ёки кенгайтириш бўйича таклифлар киритсин;

ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари орасида кенг ёритилиши таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базаларини интеграциялаштириш ва мавжуд маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш имконини бермайдиган ҳимояланган алоқа каналларини таъминлаш орқали давлат божхона хизмати, ички ишлар, прокуратура ва солиқ органлари ўртасида аниқланган ва фош қилинган жиноятлар ёки бошқа тергов натижалари, жиноятларни содир этган шахслар, шунингдек, солиқлар бўйича қарздорлик (жарималар, пенялар ва солиқ қонунчилиги соҳасидаги бошқа ҳуқуқбузарликлар) бўйича ахборот алмашишнинг электрон шаклини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 апрель,
363-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 29 апрелдаги 363-сон қарорига
ИЛОВА

Ваколатли иқтисодий операторлар тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ваколатли иқтисодий оператор мақомини олиш масалаларини тартибга солиш тартибини, шунингдек, божхона операцияларини амалга оширишда бериладиган махсус соддалаштиришлар тоифалари ва турларини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли иқтисодий оператор (кейинги ўринларда оператор деб аталади) — божхона операцияларини амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш учун ушбу Низом талабларига жавоб берувчи юридик шахсларга бериладиган мақом;

махсус соддалаштиришлар — ваколатли иқтисодий операторнинг тоифасига қараб қўлланиладиган алоҳида божхона операциялари ва божхона назоратини амалга ошириш хусусиятлари;

Ваколатли иқтисодий операторлар реестри (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) — божхона операцияларини амалга оширишда соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) томонидан шакллантириладиган ва Қўмитанинг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган рўйхати;

юридик шахснинг (операторнинг) ваколатли шахси — тегишли шартнома ёки ишончнома асосида юридик шахс номидан ҳаракат қилувчи шахслар;

ваколатли органлар — суд, прокуратура органлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси, шунингдек, солиқ органлари.

3. Оператор ва махсус соддалаштиришлар қўйидаги тоифаларга киради:

«А» тоифаси;

«Б» тоифаси.

4. Оператор Реестрга киритилган вақтдан бошлаб, хавф даражаси паст бўлган тоифага киради.

5. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари операторлар бўла олмайди.

2-боб. Махсус соддалаштириш тоифалари

6. «А» тоифасини ва ушбу тоифадаги махсус соддалаштиришлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун юридик шахс мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган мезонларга мос келиши лозим.

7. «Б» тоифасини ва ушбу тоифадаги махсус соддалаштиришлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун оператор камида бир йил «А» тоифасидаги оператор сифатида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши ва «Б» тоифасини олиш учун ариза тақдим этиши шарт.

8. Операторнинг тоифаси ва ушбу тоифадаги махсус соддалаштиришлар юридик шахс (оператор) Реестрга киритилган кундан бошлаб кучга киради.

3-боб. Реестрни шакллантириш

9. Реестр Қўмитанинг юридик шахсни Реестрга киритиш ҳақидаги қарорига асосан шакллантирилади.

Юридик шахсни Реестрга киритиш, шунингдек, мақомни тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ёки операторни Реестрдан чиқариш тўғрисидаги қарор Қўмитанинг фармойиши кўринишида қабул қилинади.

10. Қўмита юридик шахсни Реестрга киритиш, шунингдек, унинг мақомини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ёки операторни Реестрдан чиқариш

тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг ушбу маълумотни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

11. Ваколатли иқтисодий оператор мақоми ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича берилади.

4-боб. Реестрга киритиш учун танлаш мезонлари

12. Реестрга киритиш ҳақида ариза берилган пайтда юридик шахс қуйидаги мезонларга мос келиши лозим:

божхона органларига мурожаат қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174, 175, 176, 177 ва 227 — 227²⁷-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун юридик шахснинг раҳбари ва бош бухгалтери, шунингдек, ваколатли шахсининг маъмурий жавобгарликка жалб қилинганлик ҳолатлари мавжуд бўлмаслиги;

божхона органларига мурожаат қилингунга қадар сўнгги беш йил мобайнида юридик шахснинг раҳбари ва бош бухгалтери, шунингдек, ваколатли шахси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182, 184, 189, 209, 228 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилган ҳолатлари мавжуд бўлмаслиги;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шу жумладан улар бўйича жарима ва пенялар тўлаш юзасидан қарздорлик мавжуд бўлмаслиги;

божхона органларига мурожаат қилгунга қадар камида уч йил ташқи иқтисодий фаолият амалга оширилган бўлиши;

товарларни сақлаш учун омбор сифатида фойдаланишга мўлжалланган (фойдаланиш ёки эгалик қилиш ҳуқуқида) иншоотлар, бинолар (биноларнинг бир қисми) ва (ёки) очиқ майдончаларга (очиқ майдончаларнинг бир қисми) эга бўлиш;

импорт ва (ёки) экспорт қилинган товарларнинг фактура қиймати йилда камида 2 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил қилиши ва сўнгги ўн икки ой мобайнида камида 100 та импорт ва (ёки) экспорт божхона юк декларациясини расмийлаштирган бўлиши ёки тўланган божхона тўловларининг суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг камида 20 000 баробарини ташкил қилиши ва камида 50 та импорт ва (ёки) экспорт божхона юк декларациясини расмийлаштирган бўлиши лозим.

13. Қўмита ҳар йили амалга оширилган ўрганишлар яқунлари бўйича оператор фаолиятининг ушбу Низомнинг 12-бандида келтирилган мезонларга мослиги тўғрисида хулоса тузади.

5-боб. Реестрга киритиш тўғрисида ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби

14. Юридик шахс Реестрга киритиш учун Қўмитага ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шакл бўйича ёзма ариза тақдим этади.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Аризани давлат хизматлари марказлари орқали ҳам тақдим этиш мумкин.

15. Аризага алоҳида ҳужжатлар илова қилинмайди, агарда Қўмита бундай ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни ва (ёки) улардаги маълумотларни давлат божхона органлари фойдаланадиган ахборот тизимлари, шунингдек, идоралараро ахборот ҳамкорлиги доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимлари орқали олиши мумкин бўлса.

16. Қўмита аризани рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 иш куни ичида кўриб чиқади.

Аризани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

17. Қўмита ушбу Низомнинг 16-бандида белгиланган муддатдан кечиктирмай, юридик шахсни Реестрга киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида ёзма хабарнома юборади.

Юридик шахснинг ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқ эмаслиги уни Реестрга киритишни рад этишга сабаб бўлади.

18. Оператор Реестрга киритилган кундан эътиборан махсус соддалаштиришлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

6-боб. Божхона операцияларини амалга ошириш учун махсус соддалаштиришлар турлари

19. «А» тоифасидаги операторга қўйидаги махсус соддалаштиришлар тақдим этилади:

товар ва транспорт воситаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинганда, операторнинг товарлари ва транспорт воситаларига божхона назорати шакллари қўлламаслик, таваккалчиликларни бошқариш тизими томонидан белгиланадиган чоралар бундан мустасно;

товарларни декларациялаш ва чиқариш билан боғлиқ божхона операцияларини биринчи навбатда амалга ошириш;

оператор томонидан ташиладиган товарларга нисбатан товарни ташиш йўналишини белгиламаслик;

операторнинг товарларини божхона жўнатиш органидан белгиланган жойга божхона тўловлари тўланиши таъминланмасдан етказиб бериш;

товарларни опреторнинг очиқ майдонлари, бинолари ва бошқа ҳудудларига божхона назоратида жойлаштириш;

божхона органлари билан келишилган ҳолда, опреторнинг очиқ майдонлари ва бошқа ҳудудларида товарларни чиқариш билан боғлиқ божхона операцияларини амалга ошириш;

операторнинг транспорт воситасида божхона транзити амалга оширилаётганда божхона тўловлари тўланиши таъминланишини талаб қилмаслик;

божхона тўловлари тўланишини таъминламасдан, божхона тўловларини бўлиб тўлаш ва (ёки) муддатини йигирма иш кунигача кечиктирган ҳолда, товарларни эркин муомалага чиқариш.

20. «Б» тоифасидаги операторга «А» тоифасига қўшимча равишда қўйидаги махсус соддалаштиришлар тақдим этилади:

товарларни чиқаришда уларнинг божхона қийматини шартли равишда аниқлашда божхона тўловлари тўланиши таъминланишини талаб қилмаслик;

алоҳида ҳужжатлар (мувофиқлик сертификати) мавжуд бўлмаганда, товарларни (озик-овқат товарлари ва фармацевтика маҳсулотлари бундан мустасно) шартли равишда чиқариш ва ҳужжатларни кейинчалик олтмиш календарь куни давомида тақдим этиш;

экспортга жўнатиладиган товарлар юкланган транспорт воситаларининг юк хоналари (отсеклари) ёки уларнинг бир қисмига оператор томонидан қўйилган пломбаларнинг давлат божхона хизмати органлари томонидан идентификация воситалари сифатида тан олиниши;

божхона тўловлари тўланишини таъминламасдан, божхона тўловларини бўлиб тўлаш ва (ёки) муддатини олтмиш иш кунигача кечиктирган ҳолда, товарларни эркин муомалага чиқариш;

давлат божхона хизмати органлари томонидан божхона операцияларини амалга ошириш вақтини қисқартириш ва тартибини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган тажриба лойиҳалари синовларида иштирок этиш;

божхона масалаларини мувофиқлаштириш ва ҳал қилишда операторга қўмаклашиш учун давлат божхона хизмати органларининг масъул ходимини (кейинги ўринларда координатор деб аталади) тайинлаш.

7-боб. Операторларни ўзаро тан олиш

21. Ўзбекистон Республикасининг «Б» тоифасидаги операторларига ушбу Низомда назарда тутилмаган ва Ўзбекистон Республикаси ўзаро тегишли шартномалар тузган хорижий давлатлар ҳудудида қўлланиладиган бошқа имтиёзлар ва махсус соддалаштиришлар тақдим этилиши мумкин.

22. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ушбу Низомда назарда тутилган имтиёзлар ва махсус соддалаштиришлар хорижий давлатларнинг ваколатли хўжалик юритувчи субъектларига ҳам ўзаро асосда берилиши мумкин.

8-боб. Оператор мақомини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш

23. Оператор мақоми қуйидаги ҳолатларда тўхтатиб турилади:

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174, 175, 176, 177, 227-227²⁷-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун операторнинг раҳбари ёки бош бухгалтери, шунингдек, ваколатли шахсини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида суд қарори кучга кирганда;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182, 184, 189, 209, 228 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун операторнинг раҳбари ёки бош бухгалтери ёхуд ваколатли шахсига нисбатан жиноят иши қўзғатилганда;

хабарномада белгиланган муддатда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки тўлиқ бажарилмаганда;

ушбу Низомнинг 12-банди еттинчи хатбошига мувофиқ белгиланган импорт ва экспорт кўрсаткичлари камайганда.

24. Ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, Қўмита операторнинг мақомини тўхтатади ва тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг бир иш кунидан кечиктирмаган ҳолда уни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

25. Қўйидагилар юзага келганда:

23-банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда — тўхтатиб туриш муддати бир йилни;

23-банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда — тўхтатиб туриш муддати суднинг оқлаш ҳақидаги қарори чиққунига қадар бўлган даврни;

23-банднинг тўртинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда — тўхта-тиб туриш муддати ўттиз иш кунини;

23-банднинг бешинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда — тўхта-тиб туриш муддати 12-банднинг еттинчи хатбошида кўрсатилган мезонларга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар бўлган, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган даврни ташкил қилади.

26. Мақомни тўхтатиб туриш билан боғлиқ ҳолатлар бартараф этилганда ёки суднинг оқлаш ҳақидаги ҳукми чиқарилганда, оператор беш иш куни ичида Қўмитага тегишли хабарнома юборади.

27. Қўмита хабарномани олган кундан эътиборан беш иш куни ичида операторнинг мақомини қайта тиклаш ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва қабул қилинган қарор тўғрисида уни хабардор қилади.

Ушбу Низомнинг 23-бандида келтирилган ҳолатларнинг бартараф этилмаслиги мақомни қайта тиклашни рад этишга сабаб бўлади.

9-боб. Операторларни Реестрдан чиқариш тартиби

28. Оператор қўйидаги ҳолларда Реестрдан чиқарилади:

операторнинг ўз хоҳиши билан Реестрдан чиқариш тўғрисидаги ёзма мурожаати бўйича;

оператор мақомига эга бўлган юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182, 184, 189, 209, 228 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун операторнинг раҳбари ёки бош бухгалтери ёхуд ваколатли шахсига нисбатан суд ҳукми кучга кирганда;

оператор мақомини тўхтатиб қўйишга олиб келган ва ушбу Низомнинг 23-банди тўртинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар ўттиз иш куни ичида бартараф этилмаганда;

оператор мақомини тўхтатиб қўйишга олиб келган ва ушбу Низомнинг 23-банди бешинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бир йил ичида бартараф этилмаганда;

оператор қайта ташкил этилганда, ўзгартириш орқали қайта ташкил этиш бундан мустасно;

оператор мақоми ваколатли орган томонидан тақдим этилган ва бундай мақомни бериш учун асос бўлиб хизмат қилган ишончсиз маълумотлар асосида берилгани аниқланганда;

оператор томонидан ушбу Низомнинг 32-бандида назарда тутилган мажбуриятлар бир йил мобайнида икки мартадан ортиқ бажарилмаганда.

29. Қўмита ушбу Низомнинг 28-бандида назарда тутилган асослар юзага келиши тўғрисида хабар олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмасдан, операторни Реестрдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қўмита операторни Реестрдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичида чиқариш учун асосларни кўрсатган ҳолда, операторни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади.

30. Оператор Реестрдан чиқарилган тақдирда, юридик шахс уч йилдан сўнг, ушбу Низомнинг 28-банди тўртинчи хатбошида келтирилган ҳолатда — беш йилдан сўнг Реестрга киритиш тўғрисида такроран ариза бериш ҳуқуқига эга.

10-боб. Операторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

31. Оператор қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Реестрга киритилган кундан бошлаб, ушбу Низомнинг 6-бобида назарда тутилган махсус соддалаштиришлардан фойдаланиш, оператор мақомини тўхтатиб туриш ҳолати бундан мустасно;

координатор ёрдамида божхона масалалари юзасидан белгиланган тартибда маълумот ва маслаҳатлар олиш;

божхона операцияларини махсус соддалаштиришларни қўллаган ҳолда амалга оширишга масъул раҳбарлар ва ўз штатидаги шахслар орасидан координатор билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун масъул шахсни белгилаш.

Оператор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32. Оператор қўйидагиларга мажбур:

Реестрга киритилганидан сўнг ушбу Низомнинг 12-бандида келтирилган мезонларга мувофиқ бўлиши;

божхона органларига Реестрга киритишда тақдим этилган маълумотлар ўзгариши ҳақида хабар бериш ва бундай ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни ушбу маълумотлар ўзгарган кундан эътиборан беш иш куни ичида тақдим этиш;

бўлиб тўлашга рухсат берилган ёки муддати кечиктирилган божхона тўловларининг божхона органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ юборилган хабарномада кўрсатилган муддатнинг охири кунидан кечиктирмасдан тўланишини таъминлаш;

давлат божхона хизмати органлари мансабдор шахслари операторларнинг божхона назоратида турган товарлар сақланаётган иншоотлари, бинолари (биноларнинг қисмлари) ва (ёки) очик майдонларига (очик майдонлар қисмларига) тўсиқсиз кириши тўғрисида давлат божхона хизмати органларининг талабларини бажариш;

давлат божхона хизмати органлари талабларига мувофиқ божхона назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш;

давлат божхона хизмати органи божхона назорати шакллари ва божхона назоратининг амалга оширилишини таъминлаш чораларини қўллаш зарурлиги тўғрисида хабар бермаган тақдирда, товарлар чиқарилгунига қадар қонунбузарликларни мустақил равишда аниқлаш ва бартараф этиш;

товарларни декларациялаш ва ҳисобга олиш бўйича божхона операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган автоматлаштирилган тизимга эга бўлиш.

Оператор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11-боб. Оператор фаолиятини назорат қилиш

33. Агар назорат чораси таваккалчиликларни бошқариш тизимида мавжуд бўлса, давлат божхона хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда операторларнинг товарларига нисбатан божхона назорати шакллари қўлланиши мумкин.

34. Божхона назоратида бўлган операторнинг товарларига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш (чеклаш) бўйича ваколатли органлар томонидан тақдим этилган асослар мавжуд бўлса, давлат божхона хизмати органи ушбу товарларга нисбатан божхона тартиб-таомилларини ваколатли органнинг алоҳида қарори қабул қилингунига қадар тўхтатиб туради.

Ваколатли органлар аниқланган ва фoш этилган жиноятлар ёки бошқа тергов натижалари, жиноятларни содир этган шахслар, шунингдек, операторларнинг солиқлар бўйича қарздорлиги (жарималар, пенялар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар) тўғрисида уч иш қунидан кечиктирмасдан, давлат божхона хизмати органларини ахборот тизимлари орқали (мавжуд ахборотдан ноқонуний фойдаланиш имконини бермайдиган ҳимояланган алоқа каналлари орқали) хабардор қилиши шарт.

12-боб. Давлат божхона хизмати органларининг операторлар билан ўзаро ҳамкорлиги

35. Қўмита операторнинг Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилиги ва ушбу Низом талабларига риоя этиши юзасидан назоратни таъминлайди.

36. Давлат божхона хизмати органлари ушбу Низомда белгиланган тартибда оператор декларант бўлган товарларга нисбатан божхона операцияларини амалга оширади.

37. Божхона органлари махсус соддалаштиришларни қўллашда, шу жумладан божхона қонунчилигини қўллаш масалалари юзага келганда, операторлар билан ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш мақсадида бундай ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш учун масъул ходимларни (координаторларни) белгилаши мумкин.

13-боб. Яқунловчи қоидалар

38. Давлат божхона хизмати органлари мансабдор шахсларининг қарорлари, шунингдек, ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиниши мумкин.

39. Давлат божхона хизмати органлари айрим операторларга қайд этилган фаолиятни амалга ошириш учун бошқа имтиёзли шароитлар яратишга ҳақли эмас.

40. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

355 «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2452-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда);

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2015 йил 23 июлдаги 14-сон «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2452-1-сон, 2015 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 30-сон, 402-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти билан келишилган.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 майда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ж. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 апрель,
61-сон

Келишилган:

*Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси*

А. ХАЙТОВ

2019 йил 2 апрель

*«Ўзагросервис» акциядорлик
жамияти Бош директори в. в. б.*

Р. ХАЙИТОВ

2019 йил 2 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

356 «Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳ-
лантириш талонлари бериш тартиби тўғрисида ни-
зомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгарти-
ришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2469-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги
ПФ–5418-сон «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини туб-
дан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ
буюраман:

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 май-
да эълон қилинган.

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 11 майдаги 98-сон «Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳлантириш талонлари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2469, 2013 йил 14 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 24-сон, 322-модда);

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2014 йил 17 ноябрдаги 9-сон «Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳлантириш талонлари бериш тартиби тўғрисида низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2469-1, 2014 йил 18 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 47-сон, 564-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ж. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 апрель,
62-сон

Келишилган:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2019 йил 5 апрель

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАЖИДОВ

2019 йил 4 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

357 «Тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарни рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат рақами белгиларини ва техник паспортларни, шунингдек қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2476-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 11 майдаги 99-сон «Тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарни рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат рақами белгиларини ва техник паспортларни, шунингдек қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2476, 2013 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 27-сон, 356-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ж. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 апрель,
63-сон

Келишилган:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2019 йил 5 апрель

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 майда эълон қилинган.

*Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси*

А. ХАИТОВ

2019 йил 2 апрель

*«Ўзагросервис» акциядорлик
жамияти Бош директори в. в. б.*

Р. ХАЙИТОВ

2019 йил 3 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

358 «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-9*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги ПҚ-3448-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 2017 йилги версиясини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 майда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 февралдаги 21, 16, 3, 01-02/8-44-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жихозлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 157-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирилади.

**Иқтисодиёт ва
саноат вазири**

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 май,
9-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 май,
55-сон

**Инвестициялар ва ташқи
савдо вазири**

С. УМУРЗОҚОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 май,
2019/31-1-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 май,
01-02/8-17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия
вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо
вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг
2019 йил 1 майдаги 9, 55, 2019/31-1,
01-02/8-17-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда
импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод
қилинадиган технологик жиҳозлар рўyxатини тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ–1816-сон «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 38-сон, 434-модда)» деган сўзлар «2017 йил 28 декабрдаги ПҚ–3448-сон «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 2017 йилги версиясини жорий этиш тўғрисида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Иловада:

а) биринчи сатрдаги «ТИФ ТН коди 2012 йил тахмини» деган сўзлар «ТИФ ТН коди 2017 йил тахмини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 11 — 13-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	11.	8413 40 000 — 8413 60 800 0, 8413 81 — 8413 82	Суюқлик насослари харажат ўлчови билан ёки уларсиз; суюқликлар учун мўлжалланган кўтаргичлар	»;
	12.	8414 10, 8414 40, 8414 80	Хаво ёки вакуум насослари...	
	13.	8415 81 001 0	Саноат кондиционерлари ...	

в) 15 ва 16-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	15.	8418 61 00 — 8418 69 000 (ичимлик суви ёки ичимлик (шарбат)ларни иситиш ва совутиш функциясига эга куйиш ва тозалаш автоматларидан ташқари)	Электр ёки бошқа турдаги совуткичлар, музлаткичлар ва бошқа совутиш ва музлатиш жиҳозлари, иссиқлик насослари...	»;
	16.	8419 (8419 11, 8419 19, 8419 81, 8419 90 ташқари)	Машиналар, электр ва электрсиз исийдиган саноат ва лаборатория жиҳозлари... ҳарорат ўзгариши билан боғлиқ жараёнда материал- ларга ишлов бериш учун...	

г) 18-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	18.	8421 11 000 0 — 8421 39 (8421 12, 8421 23, 8421 31 ва маиший сув филтрларидан ташқари)	Центрифугалар, шу жумладан, марказдан қочувчи қуритгичлар; суюқлик ва газларни филтрация қилиш ёки тозалаш учун жиҳозлар ва мосламалар	»;
---	-----	---	---	----

д) 20-позиция куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	20.	8423 20 000 0 — 8423 30 000 0, 8423 82 100 0	товарларни тортиш учун жиҳозлар, шу жумладан, тортилаётган юк вазни билан ҳаракатга келтириладиган ҳисоблаш ёки назорат машиналари...	»;
---	-----	---	---	----

е) 21 — 23, 29, 31, 32, 38, 65, 71 — 73, 89, 94-позициялар чиқариб ташлансин;
ж) 24-позиция куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	24.	8426 11 000 0 — 8426 12 000 0, 8426 20 000 0 (юк кўтариш қобилияти 20 тн. гача бўлган минорали кранлардан ташқари), 8426 30 000 0 — 8426 99 000 0	Кема деррик-кранлар; кўтариш кранлари, шу жумладан, кабель — кранлар; ҳаракатландиган кўтарма фермалар, порталли юк ортувчилар ва юк кўтариш крани билан жиҳозланган аравачалар	»;
---	-----	---	---	----

з) 34-позиция куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	34.	8438 10 — 8438 80 (8438 80 100 0 дан ташқари)	Озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ичимликларни..., мол ёғи ёки учувчан бўлмаган мойларни олиб ташлаш ёки саноат йўли билан тайёрлаш учун жиҳозлар	»;
---	-----	--	---	----

и) 43-позиция куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	43.	8447 (8447 90 дан ташқари)	Трикотаж, тўқиш-тикиш машиналари..., тафтинг машиналар	»;
---	-----	----------------------------	--	----

к) 68-позиция куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	68.	8508 60 000 0 (ишлаб чиқариш жойларида чангларни йиғиш учун фойдаланиладиган чангюткичлар)	Бошқа чанпоткичлар (маиший чангюткичлардан ташқари)	»;
---	-----	--	---	----

л) 70-позиция куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	70.	85 15 21 — 85 15 80	Электр, лазер ёки бошқа ёруғлик ёки фотон ёрдамида.. паст ҳароратли кавшарлаш ёки юқори ҳароратли кавшарлаш ёки пайвандлаш учун машиналар ва аппаратлар	»;
---	-----	---------------------	---	----

м) 74-позиция куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	74.	8543 10 000 0, 8543 30 000 0	Зарралар тезлаткичлари, гальваник қоплаш, электролиз ёки электрофорез учун машина ва аппаратуралар	»;
---	-----	---------------------------------	--	----

н) 77 ва 78-позициялардан «(фақат темир йўллар учун)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

о) 81-позицияда «Евро 3» деган сўзлар «Евро 4» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) 82-позиция куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	82.	8704 10 102 0, 8704 21 100 0, 8704 23 910 1, 8704 23 910 2, 8704 31 100 0, 8705 10 (юк кўтариш қобилияти 50 тн гача бўлган автокранлардан ташқари),	Юк ташиш ва махсус мақсадларга мўлжалланган моторли транспорт воситалари	»;
---	-----	---	--	----

	8705 20 000 0, 8705 90 300 0 Евро 4 ва ундан ортиқ стандартларга мос келадиган		»;
--	--	--	----

р) 83-позицияда «8709» ТИФ ТН коди «8709 11 — 8709 19» ТИФ ТН кодлари билан алмаштирилсин;

с) 86 ва 87-позициялар куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	86.	9018 (9018 31 — 9018 39, 9018 49 100 0, 9018 90 100 0, 9018 90 500 1 дан ташқари)	Тиббиётда, жарроҳликда қўлланиладиган асбоблар ва мосламалар...	
	87.	9022 12 000 0, 9022 29 000 0 (саноатда фойдаланиш учун)	Рентген, альфа-, бета- ёки гамма нурларидан фойдаланишга асосланган аппаратура..., бош- қалар	»;

т) «*» изоҳнинг биринчи хатбошисидаги «контрактга» деган сўз «битта контрактга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

у) «**», «***» изоҳлар чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 27 апрелдан 3 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2019 йил 12 апрелдаги 61-сон «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2452-2.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2019 йил 12 апрелдаги 62-сон «Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳлантириш талонлари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2469-2.

3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2019 йил 12 апрелдаги 63-сон «Тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарни рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат рақами белгиларини ва техник паспортларни, шунингдек қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 1 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2476-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-9.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2452-1, 2015 йил 29 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 1 майдаги 210-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг «Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳлантириш талонлари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2469, 2013 йил 14 июнь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2469-1, 2014 йил 18 ноябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 1 майдаги 211-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг Тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарни рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат рақами белгиларини ва техник паспортларни, шунингдек қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2476, 2013 йил 2 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 1 майдаги 212-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

